



ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНИШИННИНГ МОХИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Исомиддинова Моҳидил Шавкатовна

Аннотация: Мақолада инновацион гоялар ҳамда инновацион жараёнларнинг тушунчаси, келиб чиқиши, тарихи, ўрганилганлиги ва таълим тизимида тутган ўрни ва аҳамияти, уларни ривожлантириши учун таклифлар ва холосалар, педагогик тизимнинг мазмуни, унинг ютуқ ва камчиликлари, ўқув жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар, инновациялар, педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда уларнинг таълим тизимидағи аҳамиятига бағишланган.

Калим сўзлар: Таълим жараёни, педагогик технология, ахборот ресурси, замонавий таълим жараёни, интерактив методлар, фан, инновация, тажриба, инновацион гоя, инновацион жараён, тарих, таълим тизими, ривожланиши.

СУТЬ И ЗНАЧЕНИЕ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ОБЛАСТИ ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация: В статье рассматриваются понятие, происхождение, история, изучение и значение инновационных идей и инновационных процессов в системе образования, предложения и выводы по их развитию, содержание педагогической системы, ее достижения и недостатки, посвящен взаимодействию педагога и ученика в образовательном процессе, инновациям, педагогическим и информационным технологиям и их значению в системе образования.

Ключевые слова: Образовательный процесс, педагогическая технология, информационный ресурс, современный образовательный



процесс, интерактивные методы, наука, инновация, опыт, инновационная идея, инновационный процесс, история, образовательная система, развитие.

THE ESSENCE AND SIGNIFICANCE OF THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE PROCESSES IN THE FIELD OF EDUCATION

Annotation: In the article, the concept, origin, history, study and importance of innovative ideas and innovative processes in the educational system, proposals and conclusions for their development, the content of the pedagogical system, its achievements and shortcomings, interaction between the teacher and the student in the educational process, innovations, pedagogical and information technologies and their importance in the educational system.

Key words: Educational process, pedagogical technology, information resource, modern educational process, interactive methods, science, innovation, experience, innovative idea, innovative process, history, educational system, development.

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, таълимни ривожлантириш ўқитишининг инновацион методларини амалиётга жорий этиш орқали амалга оширилмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби таълимдаги инновациялар бу назарий асосланган, мақсадга йўналтирилган ҳамда амалий мўлжалланган янгилик ҳисобланади. Ҳар қандай инновация, киритилган янгилик таълим олувчилардан юқори даражадаги эмоционаллик ҳамда интеллектуалликни тақозо этади. Шу боис таълимда инновацион жараёнларнинг шаклланиши ва ривожланиши соҳага оид тадқиқот қилаётган олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ривожланиб бораётган инновацион сиёsat таълим олдига бир қанча вазифаларни юкламоқда. Ахборот коммуникация технологиялари шиддатли ривожланаётганлиги туфайли



улардан фойдалана олиш, ўқиши ва ёзиши билишдек мухим бўлган саводхонлик белгисига айланиб бормоқда. Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўкув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хulosаларни ўзлари келтириб чиқаришига ўргатади¹.

Инновациялар долзарб, мухим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташабbusлар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шунингдек, таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Фанда ўзига хос қўллаш керак ва мумкин бўлган технологияни танлашда ўқитувчи ўз маҳорати ва имкониятига таянади. Педагогик технологияларни қўллашдан мақсад – дарсни қизиқарли ва самарали ўtkазиш, талабаларнинг фанга бўлган қизиқишлигини ошириш, билимини мустаҳкамлаш, шунингдек талаба ва ўқитувчи муносабатларини тўғри ташкиллаштиришdir. Натижага эришиш учун ўқитувчи компьютердан, фильмдан ёки тарқатма материаллардан, ўйинли машқлардан, жумбоқли саволлар ва шунга ўхшашлардан фойдаланиши мумкин, лекин бунинг учун хонанинг, гурухнинг ҳолатини, яъни талабалар сонини, уларнинг имкониятини, билим савиасини ҳисобга олиши зарур². Бу борада янги замонавий ахборот технологиялари (компьютер, лингафон хоналар, аудио

¹ Abdurakhmonova, Z. The role of modern pedagogical technologies in improving the quality of the educational process. Экономика, 12-16.

² Mustaeva G., Kurbanova M., Mamajanova G. The place and role of using pedagogical technologies in learning english //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 191-193.



воситалари)ни қўллаш, маълумотларни топишда интернет тармоғидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир³.

Инновацион жараён инновацияларни вужудга келтириш, амалиётга татбиқ этиш ва оммалаштириш фаолиятлари билан боғлиқ. Булар қўйидагилар: инновацион салоҳиятга кўра янгиликлар; модернизация, фаолиятни такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш билан боғлиқ бўлган модификация инновациялар; олдиндан маълум бўлган методлар элементларининг янги тизимга бирикишини назарда тутувчи бириккан инновациялар; ўхшашлик ва умумийликка эга бўлмаган радикал инновациялар ислоҳотларнинг асоси сифатида белгиланади⁴.

Илк бор “Инновация” тушунчаси XIX асрда маданиятшунослар ўрганишларида пайдо бўлди ва бир маданият элементларини бошқасига жорий қилиш маъносини билдирган. Унинг бу маъноси ҳозиргacha этнографияда сақланиб қолган. XX аср бошларида ғарбий мамлакатларда янги билим соҳаси - янгиликларни киритиш, қўллаш юзага келди. У маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида техник янгиликларни киритиш қонуниятларини ўргана бошлади. Янгиликларни киритиш ҳақидаги фан - инноватика фирмаларнинг янги режа, хизматларни ишлаб чиқиши ва татбиқ этиш фаолиятига талабалари кескин ошиб бориши акс эттирилган ҳолда пайдо бўлди.

³ Абдурахмонова, З. Ю. (2021). Замонавий ўқитишининг муаммо ва ечимларида самарали ёндошув. Academic research in educational sciences, 2(CSPI conference 1), 1189-1193.

⁴ Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. - Т.: «Ворис» нашриёти, 2006. -221-6.



Кенг кўламли ислоҳотларнинг муҳим бўғини – инновациялар бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намойиш қилмоқда. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Четтили фанида техник воситалардан фойдаланиш талабага ҳам ўқитувчига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўқитувчи вақтдан унумли фойдаланади ва қўпроқ маълумот беради, талабани кўриш ва эшитиш орқали тушуниши осон кечади. Бу эса дарс самарасини янада оширади. Агар танланган метод орқали талаба ижодий ишласа, гурух фаол бўлса, мавзуни таҳлил қила олса, бу ҳар икки томоннинг қўзлаган мақсадидир.

И.Шумпетер ва Н.Д.Кондратьев “инновация” тушунчасининг ilk ва улкан назариячилари ҳисоблансалар¹, К.Ангеловский, В.А.Сластенин ва В.И.Слободчиковлар ўз илмий тадқиқотларида инновацион фаолият педагогик фаолиятнинг алоҳида шакли эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар ҳамда бу борада муайян натижаларга эришган олимлар деб тан олинадилар⁵.

Жумладан, В.И.Слободчиков шундай ёзади: “Аввало, инновацион фаолиятни илмий ижодиёт соҳасидаги фаолиятга ўхшатиб бўлмайди, чунки бундай ўхшатиш инновацион фаолият атамасини маъносини саёзлаштириб юборади. Чунки ҳар қандай илмий-техникавий фаолият ўз табиатига кўра инновацион ҳисобланади. Шунинг учун инновацион фаолиятни маълум бир ижтимоий амалиёт майдонида кўриб чиқиши керак”⁶.

⁵ Р.Ишмуҳамедов, М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: «Ниҳол», 2016. -10-14-б.

⁶ Елдашева Г., Каримова Г. Ўқув услубий мажмua. – Т.: ТДПУ нашриёти, 2018. -29-б.



Фанни ўқитишда дарсларни электрон шаклда олиб бориш ҳам талабага, ҳам ўқитувчига ёрдам беради; бунда вақт тежалади, қулайлиги ошади, дарс қизиқарли ўтади ва кўп маълумот берилади. Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда хорижий тилларни ўрганиш жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, чет тили ўқитувчисининг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратини ошириш ҳамда хорижий тилларни ўқитишда замонавий педагогик ва психологик ёндашувлардан фойдаланиш масалалари ўз аксини топган.

Таълим жараёнигининг самарадорлиги кўп жиҳатдан иштирокчиларнинг фаоллигини, аниқ мақсад сари интилишлари ва интизомли бўлишларига боғлиқ. Шунингдек, ҳалқаро ҳамкорликнинг ҳам аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳалқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши эса чет эл тажрибаларини ўрганиш ва ўзимизга жорий этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада таълим вазирлиги томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб этиш, амалиётда таълим муассасаларини инновацион жараёнларга қўшилишини тақозо этмоқда, ўзини яратиш имкони мавжуд инновацион майдонда кўриш ва энг муҳими аниқ янгиликларни ўзлаштиришдан иборат⁷.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб қиласди. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, факультетларда олий таълимдаги кўп босқичли тизим асосида ишлаш ва анъанавий тизим билан ишлаш қиёсий таққослаб кўрилганда, талабалар янгича таълим тизимида

⁷ Омонов Ҳ.Т., Хўжаев Н.Х., Мадъярова С.А., Эшchanov Э.У. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2009



онгли, ижодий ишлашга кўпроқ эътибор қаратгани, талабаларда таълим мотивацияси даражаси юқори эканлиги кўзга ташланади.

Умуман олганда, олий таълимда индивидуал ижодий ва жамоавий ижодий фаолият соҳасида бугунга келиб сезиларли тажрибалар тўпланди, ўқув педагогик жараёни иштирокчилари ўртасида субъектив муносабатлар ривожланишида ҳам ўзгариш содир бўлаётганлигини кўриш мумкин. Яна бир муҳим жиҳат шуки, тизимнинг умумий назариясидан тизимни бараварига бир неча параметрлар бўйича яхшилаш мумкин эмас⁸. Тўғри йўлни аста-секин, унинг фойдалигига ишонч ҳосил қилиб, ҳар томонлама текшириб кўриб, кейинги ишларни ўйлаб киритишдан иборатдир.

Педагогик инновациялар маълум миқдордаги вазифаларни ҳал этиш учун хизмат қилишга йўналтирилган бўлади. Агар ўқувчида мустаҳкам билим билан бирга уни амалий фаолиятда қўллашнинг кўникма ва малакалари таркиб топса, тажрибада синаб кўрилганда самарадорликка эришса, мавжуд ҳолатлар ижобий томонга ўзгартирилса, янги ғоялар устида иш олиб борилса, ҳар қандай муаммонинг ёчими атрофлича тасаввур қилинса, глобал масштабда фикр юритилса инновация кафолатланган натижани берган бўлади. Худди шундай педагогик инновациялар ҳар томонлама камол топган, баркамол авлодни тарбиялаб бериш вазифасини ҳал этади.

Одатда ўқувчи-ёшлар бир хилликни, пассив тингловчи бўлишни, итоаткор бажарувчиликни, бировнинг фикрига қарам бўлишни (ҳатто у фойдали бўлса ҳам) ёқтирмайдилар. Таълим-тарбия жараёнидаги хилмачиллик, мустақиллик, онглилик, фаоллик, эркин ва ижодий фикрлаш, ўз

⁸ Омонов Ҳ.Т. Касб таълими: педагогик-психологик ва ташкилий муаммолар. // “Касб таълими: педагогик-психологик ва ташкилий муаммолар” мавзусида таянч олий таълим муассасаси сифатида Тошкент Молия институти етакчилигига ташкил этилган иккинчи Республика илмий-амалий семинари материаллари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: ТМИ, 2009



“мен”ни намоён этиш, илм-фандаги янгиликлардан хабардор бўлиш ва янгилик яратишга интилиш ўқувчиларнинг турмуш тарзига айланиб бормоқда. Бу муаммоларни ҳал қилишнинг энг самарали усули инновацион технологиялар эканлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида эришган ва эришилаётган муваффақиятлари муҳим ижтимоий ҳодисалардир. Уларнинг туб моҳиятини англаб этиш, уларни тўлақонли тарзда ўзлаштириш ва фаол ҳаётий позицияда туриб уларни таҳлил қилиш учун инновацион таълим технологияларидан кенг қамровда фойдаланиш талаб этилади.

Анъанавий ўқитиш усуллари замонавий таълим ва тарбия технологияларига ўз ўрнини бўшатиб бераётган ҳозирги даврда жамият ҳаётида рўй бераётган ижтимоий, сиёсий, маънавий, маданий, маърифий ва иқтисодий ўзгаришлар таълим мазмунида тўла акс этиши учун инновацион ёндашувлар зарурдир. Барча соҳалардаги ютуқ ва муаммоларни ёшлар онгига етказиш учун эса таълим ва тарбия берувчиларнинг ўзлари ушбу масалаларни замон талаблари даражасида таҳлил қила олишлари ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча ўзгаришлари билан ҳамқадам равишда яшашлари ва ишлашлари керак⁹.

Узлуксиз таълим тизимида ҳар бир дарснинг ўз инновацион мақсади бўлиши лозим. Инновацион мақсадни амалга ошириш учун ўқитувчининг ўзи етарли даражада қуролланган бўлиши ва бундай жараёнга шай ҳолда фаолият кўрсатиши лозим. Узлуксиз таълим тизимида билим оловчи ва тарбияланувчиларни инновацион технологиялар асосида ўқитиш билан чекланиб қолмасдан, уларга келажакдаги амалий фаолиятларида инновацион технологияларни муваффақиятли кўллашга ўргатиш узвийлик ва

⁹ Поульсен Серен. Введение в современную методику преподавания. Учебное пособие. Пер с датского яз. – Б.: “Кесип”, 2007



узлуксизликни таъминлашнинг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ушбу жараёнларнинг хуқукий асослари ҳамда негизлари “Таълим тўғрисида”ги Қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу меъёлардан келиб чиқиб, олимларимиз илғор янгиликларни аниқлаб, уларнинг жамғармаларини ташкил этиш, синаб кўриш, педагогик амалиётга татбиқ қилишнинг илмий хулосаларини ишлаб чиқмоқдалар. Шунингдек амалиётга татбиқ этиш тизимини яратишнинг долзарблигини очиб бермоқдалар. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз олимларидан Р.Ишмуҳамедов, М.Юлдашев, Р.Ҳ.Джураев, С.Т.Турғунов, Г.М. Назирова, А. Абдуқодиров, А.Пардаев, Ў.Қ.Толипов, Р.Ф.Сафаровалар педагогик инновацияларни излаб топиш, ўрганиш ҳамда улар ичидан энг кўп самара берадиганларини танлаб олиш ва уларни амалиётга қўллаш тартибини белгилаб берадиган ягона тизимни яратиш устида ишламоқдалар. Ўрганилган хулосалар шуни кўрсатдики, инновацион таълим олувчи ва ўқитувчи шахси нинг жадал ривожланиши, уларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ва мулоқотини демократлаштириш, ўқувтарбиявий жараённи инсонпарварлаштириш, фаол ўқиш ва ўқитишни мўлжаллашга таълим олувчининг ўзини профессионал сифатида шакллантириш, уларда инновацион тафаккурни шакллантиришга асос бўлади¹⁰. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади, шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

¹⁰ Газиев Э.Г. Психология высшей школы. Учебное пособие. – Т.: “Университет”, 2006



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Abdurakhmonova, Z. The role of modern pedagogical technologies in improving the quality of the educational process. Экономика, 12-16.
2. Mustaeva G., Kurbanova M., Mamajanova G. The place and role of using pedagogical technologies in learning english //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 191-193.
3. Абдурахмонова, З. Ю. (2021). Замонавий ўқитишининг муаммо ва ечимларида самарали ёндошув. Academic research in educational sciences, 2(CSPI conference 1), 1189-1193.
4. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. - Т.: «Ворис» нашриёти, 2006. -221-б.
5. Р.Ишмуҳамедов, М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: «Ниҳол», 2016. -10-14-б.
6. Елдашева Г., Каримова Г. Ўқув услубий мажмua. – Т.: ТДПУ нашриёти, 2018. -29-б.
7. Омонов X.Т., Хўжаев Н.Х., Мадъярова С.А., Эшchanов Э.У. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Дарслик. – Т.: “Иктисад-Молия”, 2009
8. Омонов X.Т. Касб таълими: педагогик-психологик ва ташкилий муаммолар. // “Касб таълими: педагогик-психологик ва ташкилий муаммолар” мавзусида таянч олий таълим муассасаси сифатида Тошкент Молия институти етакчилигида ташкил этилган иккинчи Республика илмий-амалий семинари материаллари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: ТМИ, 2009
9. Поульсен Серен. Введение в современную методику преподавания. Учебное пособие. Пер с датского яз. – Б.: “Кесип”, 2007
10. Газиев Э.Г. Психология высшей школы. Учебное пособие. – Т.: “Университет”, 2006